



TYPICAL INVESTIGATIVE SITUATIONS IN THE INVESTIGATION OF THE CRIME OF INVASION AND THE MAIN TASKS OF THE INVESTIGATOR IN EACH OF THEM

Raxmatullayev Muzaffar Talgatovich

Republic Of Uzbekistan Internal Ministry of affairs Academy from higher education independent seeker of further education

100197, Tashkent City, intizor Street, house 68

E.mail: muzaffarraxmatulayev@icloud.com

Scientific specialty: 12.00.09-criminal proceedings. Criminalistics, operational-search law and forensic examination.

ARCID: 0009-0009-0266-5616

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13317916>

ARTICLE INFO

Received: 08th August 2024

Accepted: 13th August 2024

Online: 14th August 2024

KEYWORDS

Invasion, investigation, investigative situations, evidence, tasks, tasmols.

ABSTRACT

This article provides an in-depth and comprehensive analysis of the typical investigative situations that arise in the process of investigating crimes of invasion. The author has developed in detail the sample tasmols, which are necessary to identify and verify the tasks that must be carried out in each investigative situation. In addition, the article develops a logical sequence (algorithm) of investigative and procedural actions that must be carried out in each typical investigative situation. This algorithm helps to conduct an investigation efficiently and qualitatively, while also serving to optimize the investigation process. The analysis and developments presented in the article are not only theoretical, but also practical, and can serve as an important guide for law enforcement officers in the investigation of crimes of invasion.

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТИПИК ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲАР БИРИДА ТЕРГОВЧИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Рахматуллаев Музаффар Талгатович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Олий таълимдан кейинги таълим мустақил изланувчиси. 100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй

E.mail: muzaffarraxmatulayev@icloud.com

Илмий мутахассислиги: 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,

тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси.

ORCID: 0009-0009-0266-5616

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13317916>

ARTICLE INFO

Received: 08th August 2024

Accepted: 13th August 2024

Online: 14th August 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Мазкур мақолада босқинчилик жиноятларини тергов қилиш жараёнида юзага келадиган типик тергов вазиятлари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган.



Босқинчилик, тергов қилиш, тергов вазиятлари, далиллар, вазифалар, тусмоллар.

Муаллиф ҳар бир тергов вазиятида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб, текширилиши зарур бўлган намунавий тусмолларни батафсил ишлаб чиққан. Бундан ташқари, мақолада ҳар бир типик тергов вазиятида амалга оширилиши керак бўлган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги (алгоритми) ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм терговни самарали ва сифатли олиб боришга ёрдам беради, шу билан бирга тергов жараёнини оптималлаштиришга хизмат қилади. Мақолада келтирилган таҳлил ва ишланмалар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига босқинчилик жиноятларини тергов қилишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жиноятларни тергов қилиш - бу инсон интеллектуал фаолиятининг мураккаб ва кўп қиррали туридир. Терговчи ишининг асосий мазмуни нафақат техник операцияларни бажариш, балки ҳар хил вазиятларда мантиқий ва стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнидир. Бу жараённинг муҳим босқичларидан бири - мавжуд тергов вазиятини чуқур англаш ва ҳар томонлама таҳлил қилишдир. Бунда терговчи далилларни синчковлик билан ўрганиши, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаши ва ишнинг умумий манзарасини тиклаши лозим. Шундай қилиб, тергов - бу фақат маълумотларни тўплаш эмас, балки уларни таҳлил қилиш, мантиқий хулосалар чиқариш ва асосланган қарорлар қабул қилишдир.

Тергов вазияти ҳақида В.К. Гавло¹, Л.Я. Драпкин², И.Ф.Герасимов³ каби олимлардан иборат бўлган бир гуруҳ, унинг ўрни тергов қилиш жараёнини ичида деб ўйлаб, вазиятни, асосан, тергов қилишнинг муайян босқичи ҳақидаги маълумотларнинг мажмуи деб белгилаган. Н.А. Селиванов⁴, В.И. Шиканов⁵ ва Р.С. Белкин⁶ каби бошқа олимлар, тергов вазиятини ҳақиқий, уни ичида исботлаш (тергов қилиш жараёни амалга оширилаётган вазият сифатида тавсифлаган.

Фикримизча, қўрилаётган тушунчани таърифлаш учун, ҳолатлар, шароитлар, тафсилотлар мажмуаси сифатидаги вазиятнинг умумий маъносидан келиб чиқиш

¹ Гавло К. О. О следственной ситуации и методике расследования хищений, совершаемых с участием должностных лиц. Вопросы криминалистической методологии, тактики и методики расследования. - М., 2009. С. 90.

² Драпкин Л.Я. Понятие и иллюстрация следственных ситуаций. Следственные ситуации и раскрытие преступлений. - Свердловск, 2007. - С. 28.

³ Герасимов И.Ф. Принципы построения методики раскрытия преступлений. Вопросы криминалистической методологии, тактики и методики расследования. - М., 1999. С. 82.

⁴ Селиванов Н.А. Советская криминалистика. Система понятий. -М., 2002. С. 117.

⁵ Шиканов В. И. Разработка теории тактических операций - важнейшее условие совершенствования методики расследования преступлений. Методика расследования преступлений. - М., 2006. С. 157.

⁶ Белкин Р.С. Курс советской криминалистики. - М., 2009. Т.3. С. 70.



лозим. Кўриниб турибдики, муайян жиноий ҳодисани тергов қилиш субъекти сифатида терговчи учун объектив муҳитда ўрнатилган барча ҳолатлар эмас, балки у ёки бу жиноятни очиш, тергов қилиш учун муҳим бўлган ҳолатлар муҳимдир. Тафсилотлар эса, жабрланувчи, гувоҳлардан олинган маълумотлар, олинган далиллар ёрдамида аниқланади. Тергов қилишнинг муайян пайтига келиб вужудга келган битта вазиятни ҳар ҳил терговчилар, ўзининг тайёргарлик даражаси, иш тажрибаси, руҳий ҳолати ва бошқаларга қараб ҳар ҳил баҳолаши мумкин. Бироқ, булардан қатъий назар, ҳақиқий тергов вазияти объектив характери ни йўқотмайди ва фақат ўзининг ахборот билан тўлдирилишига боғлиқ.

А.Г.Филиппов тўғри таъқидлаганидек, тергов вазияти муаммосини ишлаб чиқиш муайян бир мақсадни кўзлайди: жиноятларнинг маълум турлар ва гуруҳларини тергов қилишда вужудга келаётган намунавий тергов вазиятларни аниқлаш ва бунинг асосида тегишли жиноятларни тергов қилиш методикаси бўйича тавсиялар мажмуасини яратишдир⁷. Тергов вазиятининг тушунчаси ва мазмуни ушбу вазифага жавоб бериши лозим. Шунинг учун ушбу криминалистик тоифанинг тушунчаси ва мазмунида тергов вазиятларини намуналаш имконияти акс эттирилиши лозим. Вазиятлар мазмунига, ўз таъсири билан уни шакллантирадиган субъектив омилларни (шартларни) киритилган тақдирда эса, вазиятларни намуналаш мумкин бўлмайди.

Тергов вазияти - бу терговнинг муайян босқичида шаклланган, ўзаро боғлиқ объектив ва субъектив омиллар мажмуи бўлиб, у терговчининг кўлидаги маълумотлар, далиллар ва тусмолларни, шунингдек, тергов шароитларини ўз ичига олувчи, терговнинг кейинги йўналишини белгилаш, тергов ҳаракатларини режалаштириш ва самарали амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилпдиган жараёндир.

Шу билан бирга, тергов қилиш йўналишини аниқлаш мақсадида терговчи томонидан ўрганилаётган ҳодиса ёки унинг алоҳида тафсилотларининг аҳамиятини эҳтимоли (таҳмин)дан ишончли (ҳақиқий)га қадар ривожлантиришни имконини берадиган ҳар ҳил тусмоллар илгари сурилиши мумкин. Айнан шунинг учун улар жиноятни тергов қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Тергов қилишнинг у ёки бу пайтида вужудга келган тергов вазиятни таҳлили типик тусмолларни аниқлаш имкониятини бериб, уларга асосан терговчи, белгиланган мақсадга эришиш учун ҳаракатларнинг кетма-кетлиги (алгоритми)ни ишлаб чиқиш имконига эга бўлади. Вазиятли жиҳатда, яъни, турли тергов вазиятларги нисбатан методик тавсияларни ишлаб чиқиш уларни янада аниқроқ қилади. Вазиятли ёндашув нафақат тергов қилиш методикасини танлашга таъсир қилади, балки ўтказиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар кетма-кетлиги (алгоритми)ни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунинг учун тергов вазиятларни кўриб чиқишда, илгари сурилган тусмолларни инobatга олган ҳолда уларни текшириш йўллари ни ҳам кўрсатиш лозим.

⁷ Филиппов А.Г. Общие положения методики расследования отдельных видов и групп преступлений (криминалистической методики) Криминалистика: учебник / под общей ред. А.Г. Филиппова - 4-е изд. перераб. и доп. - М.: Высшее образование, 2009. С. 508-509.



Жиноят ишларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, босқинчиликни тергов қилишнинг дастлабки босқичларида қуйидаги типик тергов вазиятлари юзага келган:

1. Босқинчилик содир этган шахс ҳодиса содир бўлган жойда ёки уни содир этганидан сўнг дарҳол қўлга олинган. Ушбу вазият ўрганилган ишларнинг 74,7 фоиз ҳолатларда кузатилган.

Ушбу вазиятда қуйидаги тусмолларни илгари суриш мумкин:

қўлга олинган шахс илк бор жиноятни содир этган;

қўлга олинган шахс шу ҳудудда ёки қўшни туманларда ёки аҳоли яшаш пунктларида аввал содир этилган ва очилмай қолган жиноятларни содир этилишига алоқадор;

жиноятнинг барча иштирокчилари қўлга олинган;

жиноятчиларнинг бир қисми қўлга олинмай қолган.

Гумон қилинувчи ҳодиса содир бўлган жойда қўлга олиш пайтида вужудга келаётган вазият, гўёки, уни фош этиш учун қийинчиликларни туғдирмайди. Бироқ, аксинча, Б.А. Викторов тўғри таъқидлаганидек, жинотяни содир этган шахсни аниқлаш ва қўлга олиш, бу “фақатгина ишни бошланиши”. Шошилишч тергов ҳаракатларида белгиланган кетма-кетликка (алгоритм) риоя қилмаслик тергов қилишдаги жиддий қийинчиликларга олиб келиши мумкин⁸.

Мазкур вазиятда тергов ҳаракатларини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади:

шахсни ушлаб туриш;

гумон қилинувчини шахсий тинтув;

ушланган шахсни гувоҳлантириш;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

гумон қилинувчи қўлга олинган жой, унинг ҳаракатланиш йўналишлари, яширинган жойларини, шунингдек ундан топилган ва олиб қўйилган нарсаларни кўздан кечириш;

жабрланувчи, гувоҳлар ҳамда бошқа шахсларни сўроқ қилиш;

гумон қилинувчини сўроқ қилиш;

гумон қилинувчининг яшаш ва иш жойларида тинтув ўтказиш;

олиб қўйилган нарса ва ҳужжатлар юзасидан экспертизалар тайинлаш;

гумон қилинувчини, ундан олиб қўйилган нарса ва буюмларни ҳамда жиноят қуролларини жабрланувчи ва гувоҳларга таниб олиш учун кўрсатиш.

Босқинчиликни тергов қилишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказилишини кечроққа қолдиришга йўл қўйилмаслиги лозим, чунки бу нарса жиноят изларини сақланишига салбий таъсирни кўрсатиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, об-ҳаво шароитлари тез-тез ўзгариб туриши (масалан, ёмғир ёки қор ёғиши) ёки излар тасодифан йўқ қилиниши мумкин (масалан, тозалов техникаси орқали). Шунинг учун ҳодиса содир бўлган жой ўз вақтида ва муносиб тарзда кўздан кечирилганида тергов учун аҳамиятли бўлади. Қўлга олинмай қолган

⁸ Викторов Б.А. Вопросы совершенствования следственной работы. Вып. 3. - М., 2007. С. 7.



жинойй гуруҳ аъзоларини таъқиб қилиш лозим бўлган шошилиш ҳолатларда куч ва воситаларни таксимлаш мумкин. Бунда тергов-тезкор гуруҳининг бир қисми ҳодиса содир бўлган жойда бўлса, иккинчиси эса яширинган шахсларни таъқиб қилишни амалга оширади. Бундай ҳолатда терговчини ҳодиса содир бўлган жойда қолиши ва уни кўздан кечириши мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Аксарият вазиятларда ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришда иштирок этиш учун гувоҳларни ёки ҳодисани кўрган шохидларни таклиф қилиш лозим. Уларнинг иштироки кўздан кечирилиши лозим бўлган ҳудуд чегараларини аниқлаштириш, жиноят изларини мавжуд бўлган жойларни аниқлашда ёрдам беради.

Босқинчилик содир этилган жойини кўздан кечиришдан сўнг қўлга олинган шахсни сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай руҳий аҳволдаги шахслар ўзи учун салбий бўлган вазият таъсирини остида фош этадиган кўрсатувларни беришлари мумкин. Бунинг учун гумон қилинувчини терговчининг хизмат хонасига олиб келиш шарт эмас. Бундай ҳолатда сўроқни ҳодиса содир бўлган жойда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тергов харакати барча иштирокларининг ҳавфсизлигини таъминлаб қўйиш лозим (сўроқдан олдин шахсий тинтувни ўтказиш, қўлларига кишан солиш, жабрланувчини ҳавфсиз жойга олиб кетиш ва бошқа). Ушбу ҳолатда тасодифийлик омили, ҳамда қўлга олинган шахсга жиноят жойида топилган, ва унинг изларини қолиши мумкин бўлган нарсаларни, шунингдек жиноятчи томонидан қолдирилган ёки ташланган нарсаларни тақдим этиш таъсир қилишнинг муҳим руҳий дастаги ролини ўйнаши мумкин.

Сўроқ қилиш тасодифийлиги омилини қўллаш натижасида айрим ҳолатларда нафақат теров қилинаётган, балки аввал содир этилиб очилмай қолган жиноятлар ва жиноий шериклар ҳақида айбига иқрорлик кўрсатувларни олишга эришилади. Босқинчиликда бир неча шахслар иштирок этган, аммо фақатгина бир киши қўлга олинган тақдирда, зудлик билан қўлга олинган шахснинг яшаш манзилида ва тергов вазият характеридан келиб чиққан бошқа жойларда тинтув ўтказиш лозим. Буни, кўп ҳолларда жиноий гуруҳ бир неча жиноятларни содир этиш учун шаклланиши билан тушунтириш мумкин. Шунинг учун гумон қилинувчининг яшаш хонадониди, иш жойида, қариндошларида ёки танишларида кўп ҳолатларда жиноий гуруҳ таркиби, бошқа очилмаган жиноятларни тасдиқловчи нарсалар ва бойликларни топишга эришилган.

Кўрсатилган жиноятлар бир гуруҳ бошқа шахарлик талабалар томонидан содир этилганида, жиноятчилар битта манзилда яшашлари мумкин (битта хонадонни ижарага олган, ётоқхонанинг битта хонасида яшайдилар ва бошқа). Шунинг учун яшаш жойида тинтув қилинганида нафақат жиноий гуруҳни фош этадиган далилларни, балки босқинчининг яширинган шерикларини ҳам топиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Бундай ҳолатларда тинтув қўлга олинган, шахсий тантув ва битта қўлга олинган жиноятчини сўроқ қилишдан кейин зудлик билан ўтказиш лозим, чунки, одатда, жиноятчининг шериклари шошилиш тартибда, керакли нарсаларни олиш ёки эгалланган мулкларни қайта яшириш учун яшаш жойига қайтадилар.



Босқинчилик узоқ давом этган жисмоний зўравонлик ва жабрланувчининг қаршилиги билан содир этилган вазиятларда, қўлга олинган шахсни шахсий тинтувдан ўтказилганидан кейин мажбурий тартибда гумон қилинувчини гувоҳлантириш, унинг кийимларини кўздан кечириш, суд-тиббий экспертизани тайинлаш лозим. Бунда, жабрланувчи кийимининг микротолалари, унинг қон, сўлак излари ёки соч толалари қолган бўлиши мумкин бўлган устки кийими олиб қўйлиши лозим. Ҳудди шу мақсадда жабрланувчи ҳам гувоҳлантириши лозим. Кўрсатилган ҳаракатлар бажарилганидан сўнг жабрланувчи, гувоҳлар ва жиноятчини қўлга олишда иштирок этган шахсларни сўроқ қилиш керак. Жабрланувчи унга ҳужум қилган шахсларни таниб олса, таниб олишни кечга қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки жиноятчининг қариндошлари ёки озодликда қолган шериклари маълум тарзда жабрланувчига босим ўтказишлари мумкин.

Дастлабки босқичда тергов ҳаракатларини юритиш тезкорлигини ошириш мақсадида, бундай вазиятни ҳал қилиш учун, ўзини олдига қўйилган вазифаларни тезкор ва сифатли бажариш қобилиятига эга бўлган бошқа мутахассис ва терговга қадар текширув органлари ходимларини жалб қилиш лозим.

Кўрсатилган тергов ҳаракатлари билан бирга, терговчи гумон қилинувчи ҳақидаги маълумотларни тўплаши, ўрганиши ва таҳлил қилиши, унинг яқил алоқаларини, ҳаёт тарзини аниқлаши, шунингдек унинг бошқа жиноятларни содир этишга алоқадорлигини текшириши шарт.

2. Талончилик ёки босқинчиликни содир этган шахс ҳақида маълумот мавжуд, ammo жиноятчи қўлга олинмаган. Кўрилатган босқинчиликни тергов қилишнинг бошланғич босқичида мазкур вазият 14,3 фоиз ҳолатларда кузатилган.

Бундай мураккаб вазиятни ҳал қилиниши кўпроқ, тергов ҳаракатлари қанчалик тўғри режалаштирилган ва тергов тусмоллари илгари сурилганлигига боғлиқ. Қуйидаги тусмоллар энг намунавий бўлган:

жиноятчи қўшни ҳудудда, мамлакатда, ўз қариндошлариникида, танишлариникида яширинган;

жиноятчи жиноят содир этилган ҳудудда яшовчи қариндошлариникида, танишлариникида яширинган;

жиноятчи унинг қариндошларига ва танишларига маълум бўлмаган жойда яширинган.

Босқинчиликни бошқа, транспорт, турар жойларда, банкларда, заргарлик дўконларда, савдо дўконларида содир этилаётган жиноятлардан фарқлайдиган энг асосий хусусияти, бу, эгалланган мулкнинг нисбатан паст қийматда сотилишидир. Шунинг учун терговдан яширинаётган жиноятчида қисқа бўлган вақт ўтгач пул маблағларига янги эҳтиёж пайдо бўлади. Озиқ-овқат, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учуе қидирилаётган шахс яна ва яна ҳужумларни уюштиради, то ушланмагунга қадар.

Ушбу туфайли яширинган шахсни қидирув ҳудудида мавжуд бўлган тезкор вазиятни инобатга олиб, ўхшаш учул билан содир этилган ғаразли-зўравонли характерга эга жиноятларни пухта таҳлил қилган ҳолда ўтказиш лозим.



Юқорида баён этилган тусмолларни текшируви, вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатлар тизими ёрдамида амалга оширилади.

Босқинчи ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган, аммо унинг ўзи қўлга олинмаган вазиятни ҳал қилишда терговчи ҳаракатларининг энг оптимал алгоритми қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

жиноятчини “иссиқ излар” бўйича қидириш;

қидирилаётган шахс қариндошлари ва танишларининг телефон сўзлашувларини назорат қилиш ва ёзиб олиш;

гумон қилинувчи ва у билан боғлиқ бўлган шахсларга тегишли бўлган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш.

Жиноятчи ўзининг қариндошлари ёки танишлари билан мобил телефони ёрдамида алоқа ўрнатган тақдирда, абонентлик терминалини жойлашувини аниқлаш учун уяли алоқа операторлари имкониятларидан фойдаланиш лозим.

Гумон қилинувчи унга қариндош бўлмаган танишларининг уйда яшириниши мумкинлиги туфайли, унинг нафақат қариндошлик ва ўртоқлик, балки қисқа муддатли, лавҳали алоқаларини аниқлаш шарт. Жиноятчини қидиришда энг самарали усуллардан бири, оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига мурожаат қилиб унинг батафсил таърифини, фотосуратларини ҳафталик газеталар, журналлар, телевидение ахборот тармоқларига жойлаштириш бўлиши мумкин. Бундан ташқари жиноятчини қўлга олинишига жамоат жойларда қидирилаётган жиноятчига нисбатан варақаларни ёпиштириш ва тарқатиш ҳам ёрдам беради.

3. Босқинчиликни содир этган шахс ҳақида ахборот умуман мавжуд эмас.

Ушбу вазият 11 фоиз фоиз ҳолатларда учрайди. Бу каби вазиятларда босқинчиликни тергов қилиш муаммолидир.

Шу билан бирга, ушбу вазият, жабрланувчи жиноятчини кўрганми, ёки унда кўриш имкони бўлмаганми, жиноятчининг белгиларини эслаб қолдими, ёки йўқми, ана ўшаларга қараб, кейинги иккита вазиятларга айланиши мумкин:

- 1) Босқинчининг ташқи белгилари жабрланувчининг онгида акс эттирилган;
- 2) Хужумнинг тасодифийлиги ва пинҳонлиги туфайли жабрланувчи жиноятчини кўрмай қолган.

Агарда биринчи ҳолатда жиянотчининг субъектив суратини тузиш ва уни ташқи кўриниш аломатлари бўйича қидириш, жабрланувчига аввал ўхшаш жиноятларни содир этган шахсларнинг фото ва видеоёзувларини тақдим этиш, жиноятчининг белгилари ҳақида барча ИИБ тезкор бўлинмаларига тезкор хабарномалар юбориш натижа бериши мумкин бўлса, иккинчи вазиятда бу нарсани иложиси йўқ.

Тергов вазиятларнинг мазкур тури учун шахс ҳақидаги маълумотларни йўқлиги ҳосдир. Мазкур вазиятни ҳал қилиш учун қуйидаги намунавий тусмолларни илгари суриш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) жиноят муқаддам бунга ўхшаш қилмишлари учун судланган ва мазкур ҳудудда яшайдиган шахслар томонидан содир этилган;
- 2) жиноят доимий даромад манбаига эга бўлмаган, спиртли ичимликларни ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган шахслар томонидан содир этилган;



3) жиноят муқаддам судланмаган, аммо ҳозрг вақтда ўхшаш жиноятларни содир этганлиги учун жиний жавобгарликка тортилаётган ва уларга нисабатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси кўрилган шахслар томонидан содир этилган;

4) жиноятни содир этилишига вояга етмаган, нотинч оилаларда яшаётган ва ўзининг хаёт тарзига асосан жиноятни содир этишга мойиллиги мавжуд шахслар томонидан содир этилган.

Терговчининг бутун фаолияти, аввал гумон қилинувчини қидириш лозим бўлган шахслар доирасини аниқлаш, кейин эса жиноятни содир этган шахсни аниқлашдан иборат. Бошланғич маълумотларга асосан, умулаштирилган амалиёт нуқтаи назаридан ушбу вазиятга ҳос бўлган тушунтиришда ифодаланадиган, иш бўйича барча мумкин бўлган намунавий тусмолларни текшириш лозим.

Бундай шароитда тергов қилиш иштирокчилари босқинчини аниқлаш ва қўлга олиш учун максимал даражада бор имкониятларини ишга солиши лозим. Бундай ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, босқинчилик топилган излари бўйича экспертизаларни тайинлаш лозим. Алоҳида таъқидлаш лозимки, мазкур вазиятда қуйидагиларга қаратилган қидирув тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлади:

жиноят шохидлари бўлиши мумкин шахсларни аниқлаш (бир ватни ўзида ишдан, ўқишдан қайтаётган, мунтазам равишда югураётган, итлари билан юрувчи шахслар; доимо уйларнинг ҳовлиларида ёки уйда деразани тагида ўтирадиган кекса фуқаролар; жамоат транспорти, йўналишдаги таксилар ҳайдовчилари ва бошқа);

муқаддам содир этилган ўхшаш жиноятлар ҳақидаги жиний ишларни ўрганиш, уларни тизимлаштириш ва содир этиш механизмининг маҳсус белгиларини аниқлаш мақсадида, таҳлил қилиш (жиноятчиларнинг ташқи белгиларини, жиноятларни содир этиш энг намунавий жойларини). Ўрганилган ишларни ҳисобга олиб пистирмалар, тактик қопқонлар ташкил қилинади;

хуқуқбузарликларга мойил бўлган ва ҳисобда турган шахсларни, шунингдек фохишахоналар, тунги клублар, бошқа кўнгилочар жойларни текшириш;

эгалланган мулкни сотиш эҳтимоли бор жойларни текшириш (бозорлар, воситачилик дўконлари, уяли телефонларни таъмирлаш устахоналари, заргарлик устахоналар); нарсаларни сотиб олиш билан шуғулланувчи шахсларни текшириш («валютачилар», лўлилар, таксичилар, ва бошқа).

жиноятчининг фотороботини тузиш, шунингдек жабрланувчиларга ўхшаш жиноятларни содир этган жиноятчиларнинг (фотороботини) таниб олиш учун тақдим этиш;

жиний рўйхатга олиш, криминалистик ҳисоблар (фотоҳисоблар, дакто-ҳисоблар ва бошқа), ахборот маркази, штатдан ташқари ходимлар, оммавий ахборот воситалари, уяли алоқа компаниялари ахборотларидан фойдаланиш.

ИИОнинг пост-патрул хизмати (ППХ), Давлат йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати (ДЙХХХ), Кўриқлаш хизмати, тезкор-қидирув хизмати ходимлари, жамоат тузилмалари аъзоларини жалб қилган ҳолда турар даҳаларни кўриб чиқиш;



кинологик хизмат, уяли алоқа операторлари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш;

тергов қилиш иштирокчиларига, жабрланувчи жиноятчига фаол қаршилиқ кўрсатиб унган жиддий тан жароҳатларни етказганлиги ҳақидаги хабар келиб тушган тақдирда ҳодиса содир бўлган жой ҳудудидаги даволаш муассасаларини текшириш;

ИИБ бўлинмаларининг кучлари ёрдамида жиноятчиларни қочиши мумкин бўлган йўлларни назоратга олиш йўли билан амалга ошириладиган тўсувчи тадбирларни ташкиллаштириш;

топилган нарса ва буюмлар бўйича тегишли экспертизаларни тайинлаш, бошқа теров харакатларни ва тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш.

Тўсувчи тадбирларни зарурлиги ҳақидаги қарор, жиноят содир этилган вақтидан бу ҳақда хабар келиб тушгунга қадар ўтган вақтни, жиноятчиларни аҳоли яшаш пункти, туман, вилоят, мамлакат доирасида ҳар ҳил йўналишлар бўйича мумкин бўлган харакатланишини инобатга олган ҳолда қабул қилинади. Бунинг учун хизмат қилиш ҳудудида ички ишлар органининг кучлари ёрдамида жиноятчиларни яшириниши мумкин бўлган йўналишлар тўсилади ва улар пайдо бўлишини эҳтимоли бор жойларда қидирилади: автйўллар, автобус бекатлари, темирйўл шоҳбекатлар, аэропортлар, кафе, ошхона, бозорлар ва бош. Шулар билан бирга бу ҳақда яқин атрофдаги ички ишлар органлари ва транспорт милицияси хабардор қилинади.

Бундан ташқари, тўсувчи тадбирлар, келиб тушган ахборотдан жиноятчи ёки у томонидан эгалланган мулкларнинг қидирув белгилари маълум, бироқ уни ҳодиса содир бўлган жойдан яшириниш йўналиши маълум бўлмаган ҳолатларда ҳам фойда беришлари мумкин.

Е.П.Ищенко ва В.А.Образцов⁹лар тўғри таъқидлаганидек, жиноятчи аниқланмаган ва у ҳақда маълумотлар деярли бўлмаган тергов вазиятида энг асосийси, қилмиш сирини очиш ва жиноятчини топиш имконини берадиган “калитни” иложи борича тезроқ топишдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти кўрсатганидек, олинган бирламчи ахборотлар одатда, босқинчиликка алоқадорлиги бўйича текширилиши лозим бўлган шахсларнинг кенг доирасини чизиб беради, шунинг учун ушбу текшириладиганларнинг бошланғич тўпламини аниқлаштириш, уни рақобатдош тусмоллар тизимига нисбатан гуруҳ ва кичик гуруҳларга ажратиш лозим (маҳаллийлар ва мусофирлар, судланган ва судланмаганлар, катта ва вояга етмаганлар ва бошқа). Ҳар бир бундай гуруҳга нисабатан ишлар режаси ишлаб чиқилади, уни бажарилиши эса, қўшимча ходимлар, техник ва бошқа заҳираларни жалб қилиш йўли билан таъминланади.

Илгари сурилган тусмоллар текширилган сари, алоҳида гуруҳларни текшириладиганлар қаторидан истисно қилиш ҳисобидан гуруҳлар сони камайиши мумкин. Натижада текшириладиган шахсларнинг устувор, энг ҳақиқий гуруҳи аниқланиб, асосий кучлар ва тергов қилиш иштирокчиларининг бутун диққат-эътибори унга қаратилади.

⁹ Ищенко Е.П., Образцов В.А. Криминалистика: Учебник. - М.: Изд-во Эксмо, 2005. С. 331.



Аслида, бутун тергов қилиш жараёни, бу, доимо ўзгариб турувчи тергов вазиятларни ҳал қилиш мақсадида кетма-кетлик билан амалга ошириладиган кўрсатилган ҳаракатлар ва тадбирлар тизимидир.

Тегишлича, тергов қилишда кейинги тадбирлар терговчи томонидан илгари сурилган тусмолларга асосан, содир этилган жиноят ҳақида олинган ва жабрланувчилар, гувоҳлар кўрсатувлари асосида, эксперт тадқиқотлари, уяли алоқа операторларидан ахборотларни сўраб олиш, шунингдек бошқа процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирлари натижаларига асосан шаклланган ахборот базаси инобатга олган ҳолда режалаштирилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, босқинчиликни тергов қилишнинг кейинги босқичи учун қуйидаги тергов вазиятлари учрамоқда:

1. Жиноятчини “иссиқ излар” бўйича излаш тадбирларини ўтказиш натижасида, шунингдек дастлабки шошилиш тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлар туфайли босқинчи) қўлга олинди. Мазкур тергов вазиятида терговчининг иши кам муаммолик характерга эга, чунки жиноятчини қидиришга энди куч сарфланмайди. Шу билан бирга бундай шароитларда тергов қилиш жараёни айбланувчи иштирокидаги тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикасини танлашда терговчининг нотўғри тактик ҳаракатлари билан мураккаблашиши мумкин. Кўрилатган вазиятда терговчи фақатгина айбланувчини сўроқ қилиш билан чекланмаслиги лозим (бу нарса амалиётда кўп ҳолатларда учратилмоқда), чунки, одатда, бу ерда содир этилган жиноий ҳодисанинг тафсилотлари, шунингдек уларни яшириш бўйича чоралар аниқланади. Айбланувчининг мазкур кўрсатувлари тергов ва процессуал ҳаракатларнинг бутун мажмуаси билан мустаҳкамланиб айбланувчи судда ўз кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда, улар шахсни содир этилган ҳужумга алоқадорлигининг ягона исботи бўлиб қоладилар.

1.1. Айбланувчи сўроқ пайтида айбига тўлиқ иқроп бўлади.

Мазкур вазият зиддиятсиз характерга эга бўлади, чунки айбланувчи тергов ҳаракатларини амалга оширишда бор имкониятларидан келиб чиқиб терговга ёрдам беради, жиноятдаги барча шерикларини кўрсатади ва уларнинг жиноий тажовуз жараёнидаги ролларини очиб беради.

Бундай ҳолатда терговчининг иши айбланувчининг кўрсатувларини текширишга йўналтирилиши лозим. Бунинг учун тергов ҳаракатлари ўтказилиб, улар жиноят субъектидан олинган маълумотлардан қатъий назар, содир этилган жиноий қилмишнинг объектив ва тўлиқ суратини ташқил қилади.

Бундан ташқари, айбланувчининг кўрсатувларини текширувини ўтказишнинг сабаби шундаки, шахс ўзига-ўзи туҳмат қилиши ва ушбу билан тергов қилинаётган иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин.

Бундай вазиятда фош этувчи омилар қуйидагилар бўлиши мумкин: бир неча қўшимча сўроқларни ўтказиш ва батафсил чизмани тузиш билан кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; айбланувчини, эгалланган мулкларни ва жиноят қуролларини жабрланувчи ва гувоҳларга таниб олиш учун кўрсатиш;



айбланувчининг жиноят содир этилаётган пайтида мобил терминларини жойлашувини аниқлаш (уни айбланувчида ҳужум қилиш пайтида мавжудлигини дастлабки сўроқ пайтида аниқлайди). Терговчининг фикри бўйича, айбланувчи ўзига ўзи тухмат қилувчи кўрсатувларни бераётганида (бу ҳақда айбланувчининг шубҳали ҳатти-харакатлари, яъни, тергов ҳаракатларида ўта фаол иштирок этиш, эълон қилинган айбловга мутлақо рози бўлиш, шериклари тилга олинганида асабийлашиш ва бошқа), айбланувчи томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар керакли натижаларга олиб келмаслигини ва жиноятга алоқадор бўлган шахслар барибир жиноий жавобгарликка тортилишини алоҳида таъқидлаш лозим.

1.2. Сўроқ пайтида айбланувчи кўрсатувларни беради, аммо маълумотларнинг маълум қисмини яширади. Мазкур вазиятда айбланувчи айбига иқрор бўлиб, бироқ ўзининг шериклари, жиноий фаолиятнинг бошқа эпизодлари ҳақида биронта кўрсатувлар бермайди ёки ёлғон кўрсатувлар беради.

Бундай шароитда терговчи айбланувчини қўшимча сўроқ қилиб, унинг муайян даврдаги барча ҳаракатларини имкон даражада батафсил аниқлайди. Бу нарса айбланувчи томонидан аввал кўрсатилмаган барча ҳолатларни аниқлаш учун лозим. Сўроқ давомида алоҳида эътиборни айбланувчини босқинчиликни бевосита содир этишдан олдин ва кейин дўстлари, танишлари билан бўлган барча алоқаларга аниқликни киритиш лозим.

Тактик жиҳатдан, шахсни сўроқ қилиш пайтини танлаш, маълум даражада унинг ёши, муқаддам судланганлиги, ҳаёт тажрибаси, содир этилган жиноятдаги роли ва бошқалар билан белгиланади. Вояга етмаган айбланувчини ёки гумон қилинувчини дарҳол сўроқ қилиш афзалроқ. Етарлича бўлмаган ҳаёт тажрибаси туфайли “иссиқ излар” бўйича сўроқ қилиш ижобий натижаларни беради, чунки вояга етмаган шахс мустақил равишда ёки ишга манфаатдор бўлган катталарнинг таъсири остида ўз тасаввурларини ўзгартиришга улгурмайди. Аксинча, катта ёшли айбланувчини сўроқ қилишни бир қанча вақтга, тактик пайтни, сўроқ қилиш жойини танлаш учун ва тегишли далиллар пайдо бўлгунга қадар кечиктириш лозим.

Муқаддам судланган ва шунинг учун муайян жиноий ҳатти-харакатларнинг аввалги тажрибасига эга бўлган шахсни, бундай тажрибага эга бўлмаган шахслардан фарқли ўлароқ, кечроқ сўроқ қилиш лозим. Биринчи навбатда жиноий ҳатти-харакатларнинг кичикроқ тажрибасига эга бўлган шахслар сўроқ қилинади.

Сўроқ давомида олинган кўрсатувларга аниқликларни киритиш ва уларни мустаҳкамлаш учун терговчи томонидан: айбланувчи кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тергов эксперименти; жабрланувчи, шоҳидлар ва гувоҳларни қўшимча сўроқ қилиш; қўшимча кўздан кечириш ва экспертизалар ўтказилади.

Айбланувчи иштирокидаги тергов ҳаракатларни ўтказиш жараёнида тергов қилиш иштирокчиларида, босқинчи зиддиятли, ёлғон кўрсатувларни бераётгани, ўзига ўзи тухмат қилиши ёки қолган шерикларини тарафини олиши ҳақида шубҳа ўйғонган тақдирда, бундай ҳатти-харакатларнинг сабабларини аниқлаш лозим.

Одатда, бунинг сабаби шундаки, айбланувчи содир этилган жиноят учун жазоланишни ҳоҳламайди, уни содир этилишидаги ўз ўрнини камайтиришга уринади



ҳамда жиноят жойида қолдирилган излар ва жабрланувчига тан жароҳатларини етказилиши ҳақида маълумотларни ошқора қилмайди.

Айбланувчи ўзининг шериги ҳақидаги маълумотларни ошқор қилмасдан, у билан яқинда танишганлиги, босқинчиликни биргаликда содир этишдан аввал тасодифан учраганлигини баҳона қилган ҳолатлар ҳам кам эмас. Бу нарса, хусусан, айбланувчи юриспруденция соҳасидаги мутахассислар билан маслаҳатлашиб, шеригини қасдан ошқор қилмаслигига боғлиқ, чунки унинг шеригини борлиги аниқланганида уларнинг жабрланувчига нисбатан биргаликдаги ҳаракатлари босқинчилик сифатида, бироқ бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган сифатида квалификацияланади. Бу эса, жиной қонунчиликка асосан, жиноятнинг квалификацияловчи аломати бўлиб, суд қарорига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мазкур вазиятда жиноятчининг шерикларини аниқлашда айбланувчининг нафақат вақтнинг охириги даври мобайнида, балки бундан узоқроқ муддат мобайнида (2-3 ой) телефон сўзлашувларини олиш лозим, чунки, одатда, жиноятдош шериклар ўзининг бир бири билан танишлигини фақатгина бевосита жиноятни тайёрлашда ёки у бўйича тергов ўтказилганида маълум қиладилар.

Таъқидлаш жоизки, айбланувчи томонидан ёлғон кўрсатувлар бошқа сабабларга кўра ҳам бериледи: жиноятнинг бошқа иштирокчиларининг қасос қилишидан қўрқиш, ғаразли ниятда, яъни, пул мукофотини олиш, жиной олам вакиллари орасида обрў қозониш нияти.

Бундай шароитда айбланувчига, терговчи кўрсатувларни ёлғонлиги ҳақида билишини намойиш қилиб, содир этилган жиноятнинг ҳақиқий тафсилотларини кўрсатиш, кўрсатувларни ёлғонлигини фош этувчи далилларни тақдим этиш муҳимдир.

Айбланувчини фош этишнинг муҳим шарт, унинг шериклари томонидан уни қўллаб қувватламаслиги бўлиши мумкин. Ушбу туфайли терговчи шундай шароитларни яратиши лозимки, унда жиноятчининг шериклари айбланувчи билан боғланишга ҳаракат қилмайди. Бунинг учун, тезкор-қидирув тадбирларни топшириш, унинг яқин қариндошлари, яқин дўстлари ва жиноятнинг фош этилмаган субъектлари ҳақида ахборотни бериб юбориши мумкин бўлган бошқа шахслар билан телефон сўзлашувлари ва почта жўнатмалари устидан назоратни ўрнатиш йўли билан, айбланувчининг фаолиятини назорат қилиш лозим.

Айбланувчининг шериклари қўлга олинган ва айбланувчи жиноятнинг ташкилотчиси ёки жиной қилмишни содир этиш пайтида босқинчи ҳаракатини бошқарганлиги ҳақидаги кўрсатувларни бераётганлигини кўрсатиш бўлган тактик усул, айбланувчининг ёлғонлиги фош этишнинг самарали воситаларидан бири бўлиши мумкин. Айбланувчи яқин қариндошини, дўстини ҳимоя қилиб тарафини олган ҳолларда, айбланувчини тергов қилинаётган жиноятни содир этишда ҳақиқий айбдор шахс билан ажратиши мумкин бўлган маълумотлардан фойдаланиш лозим. Айбланувчи жиной фаолиятнинг фақатгина битта эпизод ёки айрим қисмларини тан олган вазиятларда: а) охириги йилларда ўхшаш усул орқали содир этилган талончилик ва босқинчиликлар бўйича барча очилмаган жиной ишларни батафсил ўрганиш; б)



ҳар бир эпизод бўйича батафсил сўроқни ўтказиш; в) айбланувчини жабрланувчига таниб олиш учун кўрсатиш; г) оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш лозим. Олиб борилган тадбирлар натижасида жиноятнинг барча иштирокчиларини ва жиноий фаолиятнинг бошқа эпизодларини аниқлашга эришилганида, тергов қилишни қонун томонидан белгиланган муддатда тугатишга улгуриш учун, терговчи ўзининг далиллар базасини маҳкамлаш бўйича ишини аниқ режалаштириши лозим. Ушбу туфайли айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш учун тезкор-қидирув ва терговга қадар текширув органлари жалб қилинишлари мумкин.

1.3. Сўроқ пайтида айбланувчи айбига иқроп бўлишдан бош тортган.

Бундай вазиятда айбланувчи иштирокидаги тергов ҳаракатлари зиддиятли шароитларида ўтказилади. Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси учинчи қисмига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин¹⁰ Айрим ҳолатларда айбланувчи тергов қилишга қаршилик кўрсатади, тергов ҳаракатлари тартибини бузади, тергов қилиш иштирокчиларини ҳақорат қилади, конвой ходимларига нисбатан жисмоний қаршилик кўрсатади ва бошқа. Бундай шароитларда тергов ҳаракатларини тайёрлашда терговчи ИИОнинг маҳсус бўлинмалари ходимлари иштирокида айбланувчини қўриқланишини тақсиллаштириш, айбланувчининг тергов ҳаракатини бузишга қаратилган барча мумкин бўлган ҳийла-найранглари назарда тутиши лозим. Босқинчи муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, унинг шахсий йиғма жилдини, жазони ўташ жойларида ва унга нисбатан терговни ўтказиш пайтидаги ҳатти-ҳаракатларини пухталик билан ўрганиш шарт. Бунинг учун ахлоқ тузатиш муассасаларининг ходимлари, айбланувчи томонидан содир этилган жиноятлар бўйича терговни ўтказган терговчилар билан маслаҳатлашиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай вазиятларда юзлаштириш, тергов эксперименти, шунингдек кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас. Айбланувчини жабрланувчи ва гувоҳларга таниб олиш учун тақдим этиш ҳаракати, айбланувчининг таниб олувчини кўриш имкониятини истисно қилувчи шароитларда ўтказилиши шарт.

2. Жиноятчини “иссиқ излар” бўйича қидириш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида, шунингдек шошилиш дастлабки тергов ҳаракатлар, тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш натижасида гумон қилинувчи қўлга олинмаган.

Мазкур тергов вазияти энг муаммоли характерга эга бўлиб, жиноятчининг шахсини ҳамда уни жойлашувини аниқлаш бўйича синчков меҳнатни талаб этади. Ушбу вазиятда терговчининг жиноятчини аниқлаш ва қўлга олиш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги (алгоритми)нинг қуйидаги дастури энг оптимал бўлиб кўринади: жиноятчи томонидан қолдирилган ва қандайдир сабабларга кўра биринчи кўздан кечириш пайтида топилмаган изларни топиш мақсадида босқинчилик содир этилган

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана: 09.08.2024 йил



жойни ва унинг атрофларини қўшимча кўздан кечириш; босқинчилик содир этиш усулини батафсил тавсифи, шунингдек эгалланган мулкнинг барча умумий ва алоҳида белгиларини пуҳталиқ билан акс эттириш билан жабрланувчини қўшимча сўроқ қилиш; гувоҳларни қўшимча сўроқ қилиш; сотиш мумкин бўлган жойлар рўйхатини шакллантириш ва таҳлил қилиш; тезкор йўл орқали сотиш жойларни текшириш (кўзлан кечириш, айланиб ўтиш, текширувлар ва бошқа); эгалланган нарсалар топилганида текширилаётган объект (дўкон, бозор растаси) сотувчисини жиноятчининг белгилари ҳақида сўроқ қилиш; сотувчига ички ишлар органлари ҳисобида турувчи шахсларнинг фотосуратини тақдим этиш; жиноятнинг номи, уни содир этиш усули ва эгалланган мулкнинг номлари ва белгилари, шунингдек содир этилган босқинчиликнинг хусусиятлари кўрсатилган холда бошқа ички ишлар органларга хабарномани юбориш; субъектив суратни тузиш ва у бўйича қидирилаётган жиноятчини излаш.

2.1. Тергов қилиш иштирокчилари жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотларга эга, ammo уни қўлга олиш имкони бўлмаган.

Мазкур вазиятда тергов қилиш иштирокчилари жиноятчининг шахси ҳақида хабардор бўлсада, унинг жойлашган манзили ҳақидаги маълумотларга эга эмас. Бундай ҳолатда қидирилаётган жиноятчининг яқин қариндошлари, дўстлари, шунингдек у пайдо бўлиши мумкин бўлган жойлар орқасидан суткалик кузатувни ўрнатиш лозим. Бундан ташқари, санаб ўтилган шахсларнинг телефон сўзлашувлари, почта жўнатмаларини хатлаш лозим.

Айбланувчи мобил телефон орқали алоқага чиққан тақдирда, телефон локациясини базавий станциялар бўйича аниқлашда уяли алоқа операторларининг имкониятларидан фойдаланиш лозим. Босқинчининг фотосуратини оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилиши ҳам уни ушлашда катта ёрдам бериши мумкин. Жиноятчи жинойи таъқибдан бошқа мамлакат ҳудудида яширинган тақдирда, тергов қилишга Интерпол ходимларини жалб қилиш лозим.

2.2. Тергов қилиш иштирокчилари жиноятчининг шахси ва унинг жойлашган манзили ҳақидаги биронта маълумотларга эга эмас.

Бундай вазиятда жабрланувчи ва гувоҳларини янада батафсил сўроқ қилиб, уларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, қўшимча кўздан кечириш ва экспертизалар тайинлаш лозим. Тезкор-қидирув ходимларга тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин.

Хулоса ўрнида юқоридаги тергов вазиятларида амалга оширилиши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар кетма-кетлиги (алгоритми) терговнинг сифатли ва ҳар томонлама олиб борилишига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>. Мурожаат қилинган сана: 09.08.2024 йил



2. Гавло К. О. О следственной ситуации и методике расследования хищений, совершаемых с участием должностных лиц. Вопросы криминалистической методологии, тактики и методики расследования. - М., 2009. С. 90.
3. Драпкин Л.Я. Понятие и иллюстрация следственных ситуаций. Следственные ситуации и раскрытие преступлений. - Свердловск, 2007. - С. 28.
4. Герасимов И.Ф. Принципы построения методики раскрытия преступлений. Вопросы криминалистической методологии, тактики и методики расследования. - М., 1999. С. 82.
5. Селиванов Н.А. Советская криминалистика. Система понятий. - М., 2002. С. 117.
6. Шиканов В. И. Разработка теории тактических операций - важнейшее условие совершенствования методики расследования преступлений. Методика расследования преступлений. - М., 2006. С. 157.
7. Белкин Р.С. Курс советской криминалистики. - М., 2009. Т.3. С. 70.
8. Филиппов А.Г. Общие положения методики расследования отдельных видов и групп преступлений (криминалистической методики) Криминалистика: учебник / под общей ред. А.Г. Филиппова - 4-е изд. перераб. и доп. - М.: Высшее образование, 2009. С. 508-509.
9. Викторов Б.А. Вопросы совершенствования следственной работы. Вып. 3. - М., 2007. С. 7.
10. Ищенко Е.П., Образцов В.А. Криминалистика: Учебник. - М.: Изд-во Эксмо, 2005. С. 331.